

збекистон = келажаги буюк/давлат

1991 йил 1 январдан чика бошлаган

**22** август сешанба

<u> ŶЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ŶЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ</u>

Сотувда эркин нархда Nº 162 (2459)



# МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ БЕҚАРОРЛИКДАН КИМЛАР МАНФААТДОР?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиёнинг турт мамлакати — Ўзбекистон, Қозоғистон, Киргизистон ва Тожикистон давлат рахбарларининг 20 август куни Бишкек шахрида бўлиб ўтган учрашувида қат-

Сир эмаски, сўнгги йилларда бутун дунёда хавфсизлик масаласининг долзарблиги тобора ошиб бормокда. Оммавий ахборот воситаларида кайсидир мамлакатда экстремистик кайфиятдаги ташкилот томонидан амалга оширилган террорчилик ёки давлат тўнтариши, исёну ғалаёнлар бошпангани, диний, сиёсий асосдаги ёки иркий келишмовчилик туфайли келиб чикаётган можаролар, фукаролар уруши хакида деярли хар куни хабар

таркалади. Барқарор ҳаётни муҳофаза пиш масаласи Марказий Осиё давлатлари учун хам гоят долзарбдир. Бир ярим йил аввал Тошкентда юз берган портлашлар, ўтган йили Киргизистоннинг Боткен туманида рўй берган вокеалар, якинда Узбекистоннинг Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё ва Узун туманларига, шунингдек, Киргизистон жанубига қилинган хуружни бу фикрнинг тасдиги,

дейиш мумкин Сўнгги бир йил ичида кечган воқеаларни теран кузатган киши шундай хулосага келадики, халкаро террорчилар ўзларининг Марказий Осиёга хуружларига сурункали тус беришга, уларнинг рахнамолари эса минтаканинг дунёвий давлат куриш йўлини танлаган мазкур мамлакатларида бар-

карорликни издан чикаришга қаратилган саъй-харакатларини фаоллаштиришга уринмокда. Бу Бишкек учрашувида бир неча бор алохида таъкидланди. Президентлар Марказий Осиё халқаро геррорнинг асосий нишонига айланган минтакалардан бири бўлиб қолаётганини таъкидлашди. Шу муносабат билан халқаро террорчилик, диний ва сиёсий экстремизм каби иллатларга карши курашда кушма чора-тадбирлар қўллаш ҳақида ўзаро кели-

шиб олинди. Ўтган йили, террорчилар Қиргизистон жанубига бостириб кирганида, минтака давлатлари ўртасида террорга қарши бахамкихат курашиш механизми хали тўла ишлаб чикилмаган эди. Очигини айтганда, қўшниларимиз террорни ўзи учун хавфсиз, деб тушунар, унинг на давлат, на миллат танламаслигини, барча хам тўла англаб етмаганди. Кушни мамлакатта солинган тахдидга бепарволик окибатида Киргизистон жанубида шундай вокеа юз берди. Мамлакат харбийлари хам бундай хуружларга тайёр эмаслиги сезилиб қолди.

Таъкидлаш жоизки, Узбекистон Президенти Марказий Осиёнинг бирор давлатига солинган тахдид бутун минтакадаги барқарорликни хавф остига қуйишини кайта-кайта айтиб келади. Қўшниларимиз, хусусан, Қирғизистон рахбарияти хам буни Боткен вокеаларидан кейин янада теран англади ва эътироф этди. Утган бир йил ичида бундай боскинларни даф килишга тайёргар лик борасида анча ишлар килин ди. Бундай саъй-харакатларнинг самарасини бу йилги хуружлар қандай тез бостирилганида кўриш мумкин.

Маълумки, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан шу йил 20-21 апрел кунлари Тошкентда Узбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон рахбарларининг учрашуви ўтказилган эди. Саммитда хавфсизлик масаласига алохида эътибор каратилган ва халкаро террорчилик, диний ва сиёсий экстремизм, уюшган жиноятчилик, минтака баркарорлигига тахдид солувчи бошка омилларга қарши ҳамкорликда кураш гўгрисида шартнома имзоланган эди. Бишкек учрашуви ана шу саммитнинг узвий давоми бўлди. Бу галги учрашувда Россия томонидан ушбу мамлакат хавфсизлик кенгаши котиби С. Иванов хам катнашди. Бунинг сабаби шундаки, Марказий Осиё, Чеченистон ва Афгонистонда кечаётган вокеалар ягона занжирнинг халкаларидир. Хаммасининг ортида минтака давлатларидаги конституци ағдариш ниятида бўлган кучлар

рашиш фурсати етганини таъкидлади. Томонлар матбуот анжуманила бу борала яклил эканликларини билдирди. Бу Бишкек учрашуви нихоясида кабул килинган Баёнотда хам ўз аксини топди. Учрашув қатнашчилари Афгонистондаги вокеаларга алохида эътибор каратгани бежиз эмас. Бу мамлакатда 20 йилдан ортик вакт мобайнида фукаролар уруши давом этяпти. Бундай урушдан кимлар манфаатдор, деган табиий савол тугилади. Албатта,

турибди. Улар ўзларининг ёвуз

кирдикорларини турли гоялар

билан оклашга уринмокда. Биш-

кек учрашуви қатнашчилари бун-

дай кучларга қарши қатъий ку-

бизнес, курол-ярог контрабандаси билан шугулланувчи ёвуз кучлар турибди. Матбуот анжуманида Президент Ислом Каримов Узбекистонда куни кеча бахоси 4 миллион АКШ долларига тенг 450 килограмм гиёхванд модда қўлга олинганини айтди. Ўтган йили эса БМТ вакиллари гувохлигида мамлакатимизда 1700 килограмм соф героин ёкиб юборилган. Бу рақамлар шундан далолат берадики, наркобизнес рахнамолари Марказий Осиёда бекарорлик келтириб чикариб, ўзлари учун "жахон бозори" га чикадиган кулай йўл очмокчи. Уларнинг кўрсатмаси билан бир гурух ёлланма боскинчилар томонидан амалга оширилаётган қупорувчиликлар эса улуг гоялар никоби-

га ўралмокда. Геррор хавфини буткул йўк килиш учун унинг томирини, манбасини йўқ қилиб ташлаш керак. Афгонистонда наркотик етиштирилишидан ташкари, террорчилар тайерланадиган лагерлар хам мавжудлиги хозир хеч кимга сир эмас. "Толибон" назорати остидаги худудларда ана шундай лагерлар кам эмас. Наркотик етиштириш эса қонуний асосга кўйилган. Яъни. "кора дори етиштирувчи шахс полиз махсу лоти етиштирувчи дехкон каби солик тўлайди. Баъзида эса чет элликларнинг кўзини шамгалат қилиш учун гуёки қаердандир топилган гиёхванл моллалар намойишкорона йўқ қилиб ҳам таш-

Узбекистон Президенти Ислом Каримов Бишкекда Афгонистондаги можарони бартараф этиш да халкаро хамжамият, ривожланган давлатлар етарли даражада фаоллик кўрсатмаётганини яна бир карра таъкидлади Хақиқатан, афгон муаммосига

эътиборсизлик - бор гап. Косово, Босниядаги можароларни дархол бостиришга харакат килган БМТ, НАТО сингари нуфузли халкаро ташкилотлару ривожланган давлатлар афгон можаросига келганда, ўзини четга тортаяпти. Вахоланки, бирор давлат Афгонистондан чикаётган хавф-хатардан холи эмас. Уруш эса халкаро хамжамиятнинг қатьий саъй-харакатларисиз тугамайди. "Толибон" харакати бутун Афгонистонни босиб олган такдирда хам, у ерда хунрезликлар давом этаверади. Мамлакатнинг тарихи, у ердаги харбий-сиёсий ва ижтимоий вазиятдан келиб чикиб, шундай хулосага келиш "Голибон" Ахмадшох Масъуд тарафдорларини енгса, албатта, бошка ракиб пайдо бўлади. Жуда бўлмаса, толибларнинг ўзи иккига бўлиниб, ўзаро урушади. Чунки, бундан манфаат бор. Бекарорлик мамлакатда наркотик модда етиш тириш, террорчи тайёрлаш ва энг мухими, бундай жиноятлар **УЧУН ЖАЗОСИЗ КОЛИШ ИМКОНИНИ** беради. Оддий халк эса азбаройи кун куриш учун яна эски амалини, "наркодехкончилик"ни давом эттиради. Шу боис Бишкек учрашуви

катнашчилари афгон можаросини бартараф этиш буйича қатъий чоралар кўриши учун биргаликда БМТ ва бошка хал каро ташкилотларга мурожаат килишга келишиб олли.

Анвар БОБОЕВ, ЎзА махсус мухбири. Тошкент-Бишкек-Тошкент. СУРАТДА: учрашувдан лавха.

Ф. КУРБОНБОЕВ олган

# **Y35EKNCTOH** PECNYBANKACH

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Саноат, курилиш, транспорт ва алока масалалари қумитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси И. Кочмарик олиб борди.

Мажлис иштирокчилари дастлаб Ўзбекистон Республикасининг «Почта алоқаси тўгрисида»ги қонуни лойихасини мухокама килишди

Конун лойихасида республикамиз хар бир фукаросининг умум фойдаланишдаги почта алокаси хизматларидан фойдалана олиши кафолатланади Шу максадда у хатларни, бандеролларни, почта карточкаларини, секограммаларни (кўрларнинг ёзишмалари) ва кичик пакетларни жунатиш сингари универсал хизматлар ахоли учун енгил бўлган тарифлар буйича миллий операторлар томонидан амалга оширилишини назарда тутади.

Мажлисда, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаш тўгрисида»ги Конуннинг бажарилиши хакидаги масала хам мухокама килин ди. Мазкур Қонун қабул қилинганидан буён ўтган даврда мамлакатда махсулотлар ва хизматларни сертификатлашнинг зарур хукукий асоси яратилганлиги таъкидланди Хозирги вактда турли хил махсулотларни сертификатловчи 70 идора ва 223 синов лабораторияси аккредитация килиниб, фаолият кўрсатмокда.

Шу билан бирга мажлис иштирокчилари асосий эътиборни масалани ўрганиш мобайнида аникланган муаммолар ва камчиликларга қаратишди Кўпгина синов лабораториялари зарур ускуналар билан жихозланмаган, натижада кўпинча бозорда истеъмолчига сертификатланмаган ёки сифатсиз лахсулотни такл килиш хол лари учрайди. Республиканин бир катор корхоналарида белгиланган стандартларга тўгри келмайдиган махсулотлар ва буюмлар ишлаб чикариляпти. «Узбекенгилсаноат» давлат ассоциацияси ва «Узавтосаноат» ассоциацияси, «Узавтотранс» ва «Махаллий саноат» давлат корпорациялари, «Узбекмебел» давлат бирлашмаси, «Узбекқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қумитаси корхоналарида шундай фактларга дуч келинди.

Мажлисда, шунингдек «Махсулотлар ва хизматларни сертификатлаш тўгрисида»ги Конуннинг айрим моддаларини халкаро нормалар ва кейинги вактда мамлакатимизда кабул килинган конун хужжат ларига мувофиклаштиришни кўзлаб, мазкур Конуннинг моддаларига бир катор ўзгартишлар киритиш ва бу таклифларни Олий Мажлиснинг учинчи сессияси кўриб чиқиши учун такдим этиш максадга муво-

фик деб топилди. Кумита мухокама этилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилди.

# ОКСАРОЙДА **КАБУЛ**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом** Каримов 19 август куни Оксарой кароргохида Япония Демократик партияси Бош котиби Цухому Хатани қабул қилди.

Президент Ислом Каримов 1994 йили Японияга илк бор расмий ташриф буюрганда, Цухому Хата мамлакат Бош вазири эди. Ўша ташриф асносида мамлакатимиз рахбари унга Ўзбекистоннинг бозор иктисодиётига ўтишда таянадиган беш тамойили, ўтказилажак ислохотлар режаси ҳақида сўзлаб берганди. Ўтган вақт давомида Ц. Хата юртимиздаги ўзгаришлардан бохабар бўлиб борди. Хозирги кунда у олти йил аввал айтилган гаплар рўёбга чикаётганига гувох бўлиб турганини, мамлакатимиз тутган йўл тўгри эканлигига аминлигини эътироф этмокда.

- Сизни нафакат йирик партия раиси, балки

Ўзбекистон — Япония муносабатлари пойдеворига асос солган етук сиёсий арбоблардан бири, деб биламиз. - деди Ислом Каримов мехмонни каршилар экан.

Ц.Хата айни пайтда Япониядаги энг йирик мухолиф партиялардан бирига рахбарлик қилмокда. У ташрифи чогида Ўзбекистон хукумати билан демократик жамият қуриш ва мамлакатда бозор иктисодиёти тамойилларини қарор топтиришда ўзаро хамкорликниыг янги имкониятларини ўрганишни мақсад килган.

Сухбат чогида ана шу масалалар юзасидан фикр алмашилди

(¥3A).

#### Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг КАРОРИ

## Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ходимлари мехнатини рагбатлантиришга доир кушимча чоратадбирлар тўгрисида

**Урта махсус, касб-хунар таълими тизимида** кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш ва ходимларнинг моддий шароитларини яхшилаш, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ходимлари мехнатига хак тўлашни тартибга солиш максадида Вазирлар Махкамаси КАРОР килади:

1. 2000 йил 1 сентябрдан бошлаб:

академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари рахбарлари, педагог ва ўкув-ёрдамчи ходимлари учун улар лавозим маошларини мехнатга хак тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича бир разрядга ошириш хисобига лавозим маошларининг янги микдорлари белгилансин;

академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўкитувчиларининг ягона йиллик ўкув юкламаси йилига 640 соат микдорида белгилансин;

академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг ўкув-тарбия жараёни билан бевосита боглиқ бўлган ходимлари, педагог ходимлари, психологлари ва ишлаб чиқариш таълими усталари учун лавозим маошининг 25 фоизи микдорида хар ойлик устама белгилансин. Устама Давлат бюджети маблаглари хисобига тўланади.

Узбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизими ходимлари мехнатига хак тўлашнинг Ягона тариф сеткаси бўйича янги разрядларини бир хафта муддатда ишлаб чиксин ва белгиланган тартибда тасдикла-

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун зарур бюджет маблаглари ажратилишини назарда тутсин.

3. Қуйидагилар: Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1993 йил 27 майдаги 255-сон қарорига 1илова 15-бандининг;

Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сон карорига 2-илованинг 1-банди "в" кичик бандининг академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига оид қисми ўз кучини йўқотган деб хисоблан-

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат килиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Х.Кароматов зиммасига юклансин.

Вазирлар Махкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

## Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси, Узбекистон Республикаси давлат рахбарлари ва Россия Федерацияси Президенти махсус вакилининг

оддий халқ урушни истамайди.

Бу хунрезликлар ортида нарко-

ри, халкаро боскинчи тудаларининг Марказий Осиёдаги террорчилик харакатлари билан боглик вазиятни мухокама қилиб, қуролли акциялар кўлами кенгайиб бораётганидан гоят безовта эканимизни билдирамиз хамда уларни ошкора боскинчилик, террорчилик ва экстремизм куринишлари, деб бахолаймиз.

Халқаро террорчилар харакатларининг мунтазам сурункали тус олаётгани жиддий ташвиш уйготмокда, бундай харакатлар Марказий Осиёдаги хавфсизлик ва барқарорликка путур етказиш, минтакавий ва халкаро вазиятни узок муддат давомида издан чикаришга йўналтирилганини кўрсатади. Бу яна шундан далолат берадики, Марказий Осиё халкаро террорчилик ва экстремизмнинг ёвузларча харакатлари қаратилган асосий худудлардан бирига айланиб бормокда.

Учрашув иштирокчилари Террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, халкаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтака давлатларига тахдид

Мамлакатимиз

Куролли Кучлари

спортчилари Санкт-Петер-

бург шахрида бўлиб ўтган харбий беш кураш бўйича Ев-

ропа очик биринчилигида катнаш-

ХАРБИЙ СПОРТЧИЛАР ЮТУГИ

Граната отиш бўйича харбий спорт-

чи А. Токарев, 50 метрга тусиклар оша

сузиш бўйича А. Леонов, 8000 метрга

югуриш бўйича И. Кибирев 2-ўринни

эгаллади. Шунингдек, кейинги тур

буйича команда хисобида хам шараф-

ли 2-ўрин забт этилди.

соладиган бошқа хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бандлари, Коллектив хавфсизлик тўгрисидаги шартнома, икки томонлама сиёсий ва хукукий хужжатларга асосланган холда Марказий Осиё. Чеченистондаги террорчилик ва боскинчилик акциялари, Афгонистондаги харбийсиёсий зиддият бир-бирига боглик эка нини тан олиб, содир булаётган вокеаларга хукукий бахо беришда якдил эканликларини билдирадилар — халқаро террорчилик жамиятимизнинг конституция вий, демократик асосларига тахдид солмокда. Шу муносабат билан биз уларга муносиб жавоб бериш ва боскинчиларнинг сурбетларча харакатига чек қуйиш борасидаги қароримиз қатый эканини тасдиклаймиз.

Шуни қатъий маълум қиламизки, халқаро хуқуқ меъёрларига мувофик террорчилик харакатларига қарши аёвсиз чора-

тадбирлар курилади ва улар бостирилади. 2000 йил 21 апрелдаги Террорчилик сиёсий ва диний экстремизм, халкаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтака давлатларига тахдид соладиган бошка хавф-хатарларнинг олдини олишга каратилган хамкорлик тўгрисидаги шартнома иштирокчиси бўлган давлатлар рахбарлари Шартнома доирасида томонлар ўз зиммаларига олган мажбуриятларга катьий ва огишмай амал қилиши зарурлигини таъкидладилар.

Марказий Осиёда вужудга келган вазиятни Коллектив хавфсизлик кенгаши сессиясида кўриб чикиш ва уни тартибга солиш борасида кечиктириб бўлмайдиган чораларни, жумладан, Марказий Осиёнинг Жанубий чегараларини тамомила мустахкамлаш ва террорчиларни жойлашиб олган маконларида йўқ қилишга доир тадбирларни белгилаб олиш зарур, деб хисоблаймиз.

Биз БМТ Хавфсизлик Кенгаши, ЕХХТ Ислом Конференцияси Ташкилотига, дунёнинг барча мамлакатларига яна бир бор мурожаат этиб, халқаро террорчилик ва экстремизмни факат кескин қоралаш билан чекланиб қолмай, балки қуруқ баёнотлардан ушбу глобал тахдидни таг-томири билан сугуриб ташлашга йўналтирилган мувофиклаштирилган амалий ҳаракатларни ишлаб чикишга даъват этамиз.

2000 йил 21 апрелдаги Террорчилик, сиёсий ва диний экстремизм, халқаро уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва минтака давлатларига тахдид соладиган бошқа хавф-хатарларнинг оллини олишга каратилган хамкорлик тўгрисидаги шартнома иштирокчилари Россия Федерацияси рахбариятига ушбу Шартномага қушилиш таклифи билан мурожаат этишди.

Бишкек шахри, 2000 йил, 20 август.

# Халқ нафрати чексиз

Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманлари оркали Ватанимизга суқилиб кирмоқчи бўлган халқаро террорчиларнинг қолған-қутганларини йўқ қилиш, босқинчилардан батамом тозаланган худудларни доимий назоратда тутиш борасидаги операция режали равишда давом этмокда.

Баланд тог чуккиларида жойлашган кишлоклардан вохага кўчиб келган оилалар Узун ва Сариосиё туманларидаги махсус лагерларга жойлаштириб бўлинди. Улар учун бу ерда зарур шартшароитлар яратилмокда. Жумладан, болаларни 1 сентябрдан шу ердаги мактабларда ўкитиш, ўкув куроллари, дарсликлар билан таъминлаш чоралари кўрилмокда. Туманлар хокимликлари, ташкилот, корхона, муассаса ва хўжаликлар, тадбиркорлар кучиб келганларга хар томонлама ёрдам кўрсатмокда.

Айни пайтда халқаро террорчиларнинг элимиз осойишталигини бузишга қаратилган ёвузона хатти-харакатлари одамларнинг қахру ғазабига сабаб бўлмоқда. Узун туманидаги "Гулистон" ширкат-

лар уюшмасининг "Янги куч" махалласи кексалар чойхонасида бир гурух отахонлар гурунгининг шохиди бўлдим. Улардан бири — кекса ўқитувчи Шерали Дехконов газабини яширолмай, жумладан шундай деди:

Муқаддас юртимиз ҳимояси учун ўн икки нафар йигитимиз шахид кетди. Биз, кексалар уларнинг кўрсатган қахрамонликларини фарзандларимизга ибрат сифатида гапириб, тарғиб килиб юрибмиз. Террорчи-газандаларнинг яна бош кўтармаслиги учун, керак бўлса, ўзимиз хам кўлимизга курол олишга тайёрмиз.

Чори ТЎХТАЕВ, УзА мухбири.

## мавсумга пухта **ХОЗИРЛИК ЗАРУР**

Тошкент шахри,

2000 йил 21 август

Бугун дехкончиликнинг асосий йўналишлари **г**аллачилик ва пахтачилик сохаларида масъулиятли давр бошланди. Негаки, галлакор олдида кузги дон учун ажратилган майдонларни шудгорлаш, ерларнинг шўрини ювиш, ўгитлаш ва ерга кадалган уругни кийгос ундириб олиш ва-

хосилга кирган ғўза қатор ораларига сўнгги агротехник ишлов бе-

пахтачиликда эса

кенгаш

риш, сугориш, мавжуд техникани йигим-теримга шай қилиб қуйиш нихоятда мухимдир.

19 август куни Кишлок ва сув хўжалиги вазирлигида бўлиб ўтган сим оркали кенгаш ана шу масалаларга бағишланди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслахатчиси И. Жўрабеков бошкарди.

Кенгашда Президентнинг Давлат маслахатчиси — Назорат инспекцияси рахбари Т. Алимов, Бош вазир ўринбосарлари Р. Азимов, М. Усмонов, Т. Холтоев тегишли вазирлик, кўмита, корпорация, уюшма, банкларнинг ва кишлок хўжалиги техникасига хизмат кўрсатувчи корхона рахбарлари иштирок этдилар.

#### Айб обхаводами?

Бу йил мамлакатимиз бўйича 3094 минг тонна дон етиштирилди. Шундан 2181 минг тоннаси давлатта сотилди. Улкан хирмонга ўзларининг муносиб улушини қушган Андижон, Наманган, Фарғона, Бухоро, Хоразм ва Тошкент вилоятларининг айрим туманларида хар гектар майдондан ўртача 50-70 центнердан хосил

олишга эришилди. Бирок республикамизнинг Самарканд, Сурхондарё, Сирдарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида давлатга ғалла сотиш шартнома режаси, Самарқанд, Навоий ва Жиззах вилоятларида уруглик жамғариш топшириғи бажарилмади. Натижада республикамиз бўйича 2001 йил хосили учун керак бўлган уруглик галла режага нисбатан 70 минг тонна кам тайёрланди.

Хўш, нега шундай бўлди? (Давоми 2-бетда).

Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган холда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум киламиз.

Искандар Жуманиёзович! Сухбатимизни дабдурустдан савол билан бошласак: сув нима ўзи? Аллох таоло томонидан берилган беминнат неъматми? Табиатнинг битмас-туганмас бойлигими? Нарх куйиб со-

тиладиган буюмми ёки?.. - Сув - ёруг дунёнинг энг бетакрор мўьжизаси! Сув шу қадар оддий мўъжизага айланиб кетганки, азбаройи у хакдаги, уни таърифловчи хикматли гаплар хам кулогимизга оддийдек эшитилади. Кўникиб кетганмиз. Вахоланки, тирикликнинг бирор лахзасини сувсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Сувсиз - хаётнинг ўзи йўқ-да! Тўгри, сув Аллох таолонинг беминнат неъмати, табиатнинг битмастуганмас бойлиги, аммо-ле кин айни шундай гаплар онгимизга шу қадар сингиб кетганки, бунинг салбий окибатлари бот-бот намоён бўлмок-

Беминнат неъмат деймиз да, уни истаганча оёкости қиламиз, битмас-туганмас бойлик деймиз-да, увол килганимиз-килган. Нарх белгилаб сотиладиган буюм, деганингиз эса алохида ўйлаб кўриш керак бўлган жиддий мавзу. Чунки, гарчи ичимлик суви учун ҳақ тўланса-да, ҳали сувнинг товарлик хусусияти тўла-тўкис амалга кирган эмас. Суғоришда ишлатиладиган, ишлаб чикаришда ишлатиладиган сувнинг хам бахоси, пул билан ўлчанадиган кадр-киммати бўлмоги зарур.

Табиатдаги мавжуд барча сув ресурсларини пулга чакиш тизимини яратиш осон эмас, албатта. Хозирча энг асосий вазифа сувнинг кадрига етиш, унинг сарфиётидаги палапартишликка чек қуйиш, онгли равишда сарфлашга эришиш. Шундай эмасми?

- Шундай. Бунинг учун бир қатор рақамларга, кўрсаткичларга разм солишга тўгри келади. Буни каранг, асримизнинг 40-йилларига нисбатан ер юзи ахолисининг сони икки баравар ортди, сувдан фойдаланиш эса турт карра кўпайди. Шу давр ичида ша-2025 йилга бориб ахоли сонининг ортиш суръати айникса ривожланаётган мамлакатларда юкори бўлади. Вахоланки, айни шу мамлакатларда сув такчиллиги хозирда хам **гоятда оғир шароитларни кел**тириб чикарган. Айрим хисобкитобларга қараганда, 18 мамлакатдаги 166 миллион ахоли сув такчиллигидан, 11

# СУВ — ОДДИЙ МЎЪЖИЗА, **УНИ АСРАШ** — УЛКАН САВОБ

Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиковкат кумитаси раиси И.Каландаров билан сухбат

одам сувсизликдан нихоятда оғир шароитларда яшамоқда, азоб чекмокда. Мавжуд чучук сув ресурсларининг 70-80 фоизи қишлоқ хўжалигига сарфланади. Қани, айтайлик-чи, ахолиси купайиб бораётган шахарга кўпрок сув ажратиш керакми ёки қишлоққами? Шахар билан қишлоқ ўртасидаги сув талашиш «ҳарорати» қанчалик баландлиги кўринмаяптими ушбу рақамларда?!

Сиз дунё микёсидаги кўрсаткичларни келтирдингиз, Узбекистонда ахвол кандай?

Мамлакатимиз аграр республика, ахолининг асосий кисми кишлокда яшайди, кишлок хўжалик ишлари билан банд. Айникса, мустакилликдан сўнг шахарлашув суръатининг ортишини хам кўриб-билиб турибмиз. Демак, сув таксимоти, эхтиёжи жиддий тус олаётгани шундан ҳам сезилади. Қолаверса, республикамизда сув имкониятлари барча вилоятларда ўзига хос: водий вилоятларини Жиззах ва Сурхондарё билан. Корақалпогистон ва Хоразмни Гошкент вилояти ёки Бухоро билан қиёслаш қийин. Мисол учун Қашқадарё вилоятида бир гектар ерга 14-18 минг куб метр, Сирдарё вилоятида эса 9-12 минг куб метр сув ишла-

Яна бир ракамни келтирай йилига киши бошига 1700-1000 куб метр сув ишлатилса кам сув сарфиёти хисобланади. Бизнинг шароитда киши бошига йилига 5476 куб метр сув сарфланиши имкони мавжуд. Яна такрорлайманки, хар вилоятда ахвол ва имконият турли-

- 2000 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунига багишланган йигилишда мухтарам Президентимиз бу йилги сув муаммоси хакила алохида тўхталдилар. Кашкадарёда бўлиб ўтган навбатдан ташкари сессияда эса янада кенгрок, батафсилрок манзарани тасвирладилар. Сиз кумита раиси ва мутахассис сифатида бу йилги ахвол хакида ва ундан кандай хулосалар чикарилиши зарурлиги хакида нималар деган бўлур эдин-

Мухтарам Юртбошимиз давлат рахбари сифатида сув такчиллиги тугдирган кийинчиликлар хакида ташвишланиб гапирганларини тўгри тушунмоғимиз ва бундан ҳар ким ўзи учун тегишли хулоса чиқармоғи лозим. Масалага кенг миёксда ёндашадиган бўлсак, мамлакат микёсида сувдан фойдаланишнинг яхлит тизими яратилмоги зарур деб ўйлайман. Мазкур тизим сувга дахлдор нимаики булса барча-барчасини камраб олади: сув манбаларидан тортиб, сув бойлигининг бутун худуд бүйлаб харакатланиши. яъни окиши, фойдаланиши, фойдаланиш воситалари, иккиламчи фойдаланиш, сарфиёти, исрофи, токи хонадонда, ошхоналаримизда идиш-товокни ювишга кетаётганигача, шахар ва шахарчаларимиз майдончаларидаги фавворалардаги сув сарфиётигача - хамма-хаммасини камраб олади. Шунда сув катьий равишда пулга чакилади. Сухбатимиз бошланишида айтганингиздек, сув товарга айланди. Уни хеч ким, хеч каерда худа-бехудага исроф килмайди. Сув сарфиётига онгли муносабат мухим, дейдиганлар кўпчилик, бу тўгри гапнинг мухимлигини инкор этмаймиз албатта, аммо замон ва давр ўзгарди, хамма муносабатлар ўзгараётган замонда яшамокдамиз. Бозор ўз хукмини ўтказмокда. Шундай экан, келгусида мана шундай янгича муносабатларга хам олдиндан шай турмогимиз зарур. Тасаввур қилинг, сувга ҳақ тўлаш жорий этилса, биринчи навбатда сувга муносабат ўзгаради, яъни масалан, сув - пул, сувни келтириш — пул, ундан расамади билан фойдаланмаслик хам ортикча харажат, колаверса, жарима эканлигини одамлар куриб-билиб куйсалар ахвол канчалик ўзгариб кетади! Исроил тажрибасига мурожаат қиладиган бўлинса, сув учун хак тўлаш жорий этилгач йўкотилаётган сувнинг 30 фоизи те-

 Хатто сув полицияси зурур деган таклифлар хам

йуқ эмас. – Борингки, шу даражага етдик хам дейлик. Ана ўшанда бир гектар экинзор учун мўлжалдаги ортик сув сарфлаган фермер хўжалиги рахбари жавобгарликни хис килиб, шунга одатлана бошлайди. Дренаж тизимини яхшилашга, сувни тортиб кетадиган ўпқонларни беркитишга, экинни айни вақтида сугоришга, сувни ортикча ишлатиб сувни хам, экинни хам хароб килмасликка уринади. Бир вилоят худудидан оқиб ўтаётган сув шахобчасида канча сув нечогли ифлосланяпти, мана шуларга бевосита масъул кишилар ўзларини ўзлари назорат қилишга ўтадилар. Айни пайтда шошма-шошарлик билан бундай тизимга ўтиш қийин, мақсадга мувофиқ эмас. Чунки юқорида айтилганидек, хамма жойларда сув ўлчагич асбоб-ускуналар етарли эмас. Хўжаликлар бундай ишлар учун маблағни қаердан олишсин. Энг асосийси — каналлар, сув шохобчалари, хўжаликлар худудидаги коллектор-дренаж тизимлари хам давлат тасарруфида, уларни даб-дурустдан фермер ва дехкон хужаликлари зиммасига ағдариб қуйишнинг оқибати яхши булмаслиги мукаррар. Хамонки, янгиланишнинг

боскичма-боскич йўналиши танланган экан, хозирги пайтда бизнинг асосий вазифамиз сувга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришга эришиш, шунга доир қонун хужжатларини хаётга кенг татбик эта бориш. Нафакат бу йилгидек кийин шароитларда, балки қийин бўлмаган йилларда хам сувни расамади билан сарфлаш туй-**ГУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ЭРИ** шиш лозим. Бу йилги ахвол эса дехконларимизга хам, мутахассисларимизга хам, колаверса бутун хамюртларимиз учун хам

Шуни ҳам унутмаслик зарурки, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар айни

катта синов бўлиб колади.

япти, унга пойдевор куймокда деб баралла айта оламиз. «Сув ва сувдан фойдаланиш», «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш», «Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат) хакида», «Фермер хўжаликлари тўгрисида» «Гидротехник иншоотлар хавфсизлиги тўгрисида» каби катор конунлар пировардида сув ва сувдан фойдаланиш уни тежаб-тергаш, авайлаш тизимининг яратилишига асос бўла олади. Хозирги пайтла ушбу конунларнинг ижросини назорат остига олиш, уларнинг бажарилишини кузатиш йўлга қўйилган. Тўгри, бу борадаги ахволни тўла-тўкис коникарли дея олмаймиз.

шу тизимнинг асосини ярата-

Модомики, сухбатимиз сув мавзуида экан Оролни тилга олмай ило-

Нимага шама қилаётганингизни тушундим. Орол муаммосининг мухимлигини хар бир газетхон жуда яхши тушунади деб ўйлайман. Мен Орол хавзасида яшаётган ахоли муаммоси мухимрок деган бўлур эдим. Ватан ва ватандошлик туйгуси шу ўринда хам тўла аксини топади деб ўйлайман. Яъни республикамиз микесида тежалган хар томчи, хар куб метр сув Орол хавзасидаги юртдошларимиз яшаш шароитини яхшилашда асқотиши мум-

Шу ўринда Оролни мухофаза килиш халкаро фонди, унинг асосий тармокларидан булмиш GEF агентлиги ўз фаолиятини айни шу ахоли тафаккурини шакллантиришга қаратганини таъкидлаган холда мазкур йўналиш фаолиятини кўллаб-кувватламогимиз зарурлигини кўрсатмайдими?

 Сиз тилга олган фонд ининг катор тармоклари олиб бораётган ишлардан хабардормиз. Тўгри, бундай савобли ва хайрли тадбирларни канчалик куллаб-кувватласак. канчалик ахоли ўртасида оммалаштиришга эришсак шунчалик яхши, шунчалик умум мақсад учун афзал. Зеро, олиб борилаётган қонунни мустахкамлаш борасидаги ишларимиз охир-оқибат бари бир одамларимизнинг онгига, тушунчасига, тафаккуридаги янгиланишларга бориб тақа-

Мазмунли сухбатингиз учун ташаккур.

қумитаси раиси Д. Гуломова

Х. НАБИ ёзиб олди.

#### MYKAAAAC XOTUPA

Кадимий Суфан кишлогидаги бу хонадонни Кувасой сархадларидан ташкарида хам яхши билишади. Турмуш ўртоги билан 10 болани тарбиялаб вояга етказишди, эл корига ярайдиган комил фарзандлар килиб ўстиришди. Кахрамон ўгилларининг кенжаси, оиланинг эса еттинчиси эди.

## KAXPAMOH OHAHNHE **КАХРАМОН ЎГЛИ**

Одатда кичик ўгиллар оиланинг эркатойи бўлади. Қахрамон эса бунинг акси эди. Акалари, опа-сингилларига оқибатли, мехрибон. Бирор юмуш буюрилса иккиланмай, катта-кичик демай бажариб кетаверарди. Шу сабабдан бўлса керак, хамма уни бирдай қадрлар, эъзозларди.

Мактабда ўқиб юрганида спортга қизиқиб қолди. Кураш бўйича мактаб, шахар мусобақаларида бир неча бор ғолиб чикади. Шу сабабдан энди унинг номи ёнига «полвон» сўзи қўшиб айтиладиган бўлди. Мактабни аъло бахоларга битириб. Маргилон шахридаги тиббиёт билим юртига ўкишга киради. Алпомиш келбатли, кенг елкали йигит харбий бурчини Болтик денгизи сохилидаги Калининград шахрида ўтади. Юртига кайтиб, билим юртини имтиёзли диплом билан тугаллаб, Фаргона шахридаги шифохоналардан бирида ишлай бошлади.

Шунда оиланинг бошига катта ташвиш тушди. Қахрамоннинг акаси Шухрат Афгонистон урушида олган жарохатлари туфайли 25 ёшида вафот этади. Эндигина катта ҳаётга қадам қўяёт» ган инисидан ажралиш унга каттик таъсир килади. «Албатта, харбий бўламан, акамнинг порлок хотирасини эъзозлайман» деб

Дастлаб Фаргона шахридаги харбий госпиталда шартнома буйича хизматни бошлаган булса, кейинчалик Мудофаа вазирлиги тизимида шифокор-старшина вазифасида салкам беш йил фаолият курсатди.

Ватанимизнинг Сурхондарё вилояти Сариосиё ва Узун туманлари тог қишлоқларига тайинсиз кимсалар, ватанфурушлар бостириб киришганда у кўнгиллилар сафида шу оловли нуктага отланди. Киштут дарасида оғир яраланган куролдош дўстини жанггохдан олиб чикаётганда душман **УКИДАН..** 

Кувасойнинг таърифли, поёнсиз бехизорлари билан машхур Суфан қишлоғидаги мўьжазгина хонадонга шахид Қахрамон Мадалимовни ёд этгани келаётганларнинг кети узилмайди. Уларни кузатаётганлар орасида Ватан дея, юрт дея жонидан кечган мард йигитнинг хали турт ёшга хам қадам қўймаган қизи Зайнура хам бор. Йиллар ўтар, бу жажжи қизалоқ «Қахрамоннинг қизи» деган номни ардоклаб

Набижон СОБИР «Халк сўзи» мухбири.

## МАВСУМГА ПУХТА **ХОЗИРЛИК ЗАРУР**

— Айбни яна нокулай об-хаво цароити ва сув танкислигига агдарамизми? — деди кенгашни олиб борувчи сўзида давом этиб. — Ахир, об-хавонинг нокулай келишини биринчи марта куриб турганимиз йўк. Колаверса, бу хакда тегишли ташкилот рахбарлари йил бошиданок огохлантирилганди. Бирок шунга қарамасдан, юқорида номлари қайд этилган вилоятларда ғалла экиш тадбири декабр, январ, хаттоки айрим хужаликларда март ойларигача давом эттирилди. Оқибатда ғалла кеч экилган майдонларда хаво хароратининг паст келиши туфайли бир квадрат метр ерда 500-600 туп ўрнига атиги 150-220 туп кўчат ундирилди, холос.

Маълумотларга караганда ўтган йили айрим хўжаликларда бир гектар майдонга 250 килограмм ўрнига 120-130 килограммдан уруг сепилиб, кўзбўямачилик холатлари хам учради. Мавжуд майдонлардаги ғаллазорларни бегона ўтлардан тозалаш, ўгитлаш каби агротехник тадбирлар хам ўлда-жўлда килиб бажарилди. Пировардида бу айрим галлазорларда занг касалининг тарқалишига сабаб бўлди. Бунинг устига ғалла ўрим-йигими хам 40-50 кунгача нўзилиб, нобудгарчиликка йўл куйилли. Табиийки, буларнинг барчаси давлатта галла сотиш рекасининг бажарилмаслигига олиб

### Энди нимани

бахона қиламиз? Ўтган ғалла мавсумида об-хаво яхши келмади, сув танкис бўлди,

деб ўзимизни овутдик. Хўш, энди янги ғалла экиш мавсумида нима-Кенгашда ана шу савол ўртага

ташланди. Мавсумга эса санокли кунлар колаяпти. Шунга карамасдан, республикамиздаги купгина туманларда шудгорлаш тугул уруғ қадашга тайёргарлик ҳам кўрилмаганлигини нима билан оклаш мумкин? Агар бу масалани республикамиз микё сида оладиган бўлсак, мавжуд хайдов тракторининг 61 фоизи мавсумга шай деб хисобот берилган

бўлса-да, бугунги кунда уларнинг

атиги 23 фоизи шудгорлаш ишлари-

да катнашмокда. Мутахассисларнинг таъкидлаши ча, бу йил қарийб 525 минг гектар **г**ўза майдонига бошокли донни жойлаштириш режалаштирилган. Шу боисдан мутахассислар ёрдамида пахтаси эрта териб олинади ган майдонларни аниклаш, гўза катор ораларига 1-2-теримдан сўнг ишлов беришни йўлга кўйиш, ғалла экилиши мўлжалланаётган очик майдонларнинг шўрини ювиш, шудгорлаш, ерларни текислаш, бароналаш ва оғир молалар ёрламила ерни майин тупрокка айлантириш. зичлаш ишларини беками-кўст амалга ошириш нихоятда мухим дир. Ана шундай килинганда галла экилган майдонларда ер намини тўлик саклаб қолиш, 15-20 ноябрга кадар уругни тез ва бехато унди-

риб олиш имкони яратилади Афсуски, республикамизнині аксарият туманларида ана шу оддий агротехника коидаларига тулик риоя килиняпти, деб бўлмайди. Хусусан, Нукус туманининг «Қутонкул», Қонликул туманининг Навоий номли, А. Икромов номли хўжаликларида шудгорланган ерлар

иборат булиш билан бир каторда унинг чукурлиги 20 сантиметрдан

Хўш, ана шундай шароитда ерга кадалган уругни бир текисда ундириб олиш мумкинми?

#### Техника воситалари шай бўлсин!

Бу йил республикамиз бўйича ўза ривожи ўтган йилга нисбатан 18-20 кун, Андижон вилоятида эса қарийб бир ой олдинда бормоқда. Эндиги асосий вазифа нималардан иборат? Чилпиш ишларидан сўнг ғўзани сугориш, шарбат окизиш, агротехника тадбирларини маромида ўтказиш, хосили эрта етилган майдонларда дефолиация ишларини бошлаш, тракторлар самолётлар ва барча препаратларни тахт қилиб қўйиш, теримда қатнашувчи барча техника ва ускуналарни 25 августга қадар тайёрлик чизигига келтириш шулар жумласидандир. Уруглик экилган майдонларда апробация ўтказиш учун масъул мутахассисларни жалб этиш, маълумотларнинг хакконийлигини таъминлаш нихоятда за-

Кенгаш давомида кишлок хужалигига дахлдор вакилларнинг ана шу масалалар юзасидан хисоботои тингланиб атроф кама қилинди.

Кенгашда ушбу масалаларни хал этиш юзасидан тавсиялар бе-

Баходир

остонакулов, «Халқ сўзи» мухбири.

Хива туманидаги Мадаминов номли ширкат хўжалиги аъзолари жорий йилда пахтадан мўл хосил олиш ишкида астойдил мехнат килмокдалар. Уларнинг нияти битта: хар гектар ер хосилдорлигини 40 центнерданга етказиш.

СУРАТДА: пудратчи Жамила Куриязова, хўжалик раиси Ражаббой Матёкубов ва тажрибали дехкон Комил Воисов. Нўъмонжон МУХАММАДЖОНОВ олган сурат.

## «УЗБЕКИСТОН ХХІ АСРГА ИНТИЛМОКДА»

«Узфармсаноат» Давлат хиссадорлик концерни ва «Компьютер-Осиё» илмий-техника парки хамкорликда «Узбекистон XXI асрга интилмокда» альманахини тайёрлади. Куни кеча Миллий матбуот марказида ана шу компакт-дискнинг такдимоти бўлиб ўтди.

Мультимедиа-альманахи Ўзбекистон мустақиллигининг 9 йиллигига муносиб совгадир. Унда бугунги Узбекистоннинг маънавий ва иктисодий салохияти, тарихи ва анъаналари, Президент Ислом Каримов рахбарлигида миллат тараққиёти йўлида олиб борилаётган ишларнинг энг мухим йўналишлари акс эттирилган.

Альманахнинг яратилиши республикамизнинг жахон ахборот мухитига интеграциялашувига, чет мамлакатларда юртимизнинг маънавий, иктисодий, интеллектуал салохияти хакида тўлик тасаввур шаклланишига хизмат қилиши алохида таъ-

> Дилбар ТУРГУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

### «МОХИДИЛ»НИНГ ИБРАТИ

Янгикўргон туманида фаолият кўрсатаётган «Мохидил» фирмасининг мўъжазгина тикувчилик цехида навкентлик хотин-қизларнинг 20 нафари чеварлик билан шугуллана бошлади. Тадбиркорлар бахорда хўжаликдан ярим гектар ер олиб помидор экишди. Хосил мўл бўлди. Экинлар парвариши ва помидорни кайта ишлаш

юмушларига хам уй бекалари жалб этилди.

«Мохидил» фирмасининг хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасидаги бу каби саъй-харакатлари тумандаги бошка кишлокларнинг ишбилармонларига ибрат бўлди. Гилам, атлас тўкиш, мева куритиш цехлари барпо этиш харакати кенг

Уз мухбиримиз.

## Долзарб масалага бағишланди

Вазирлар Махкамаси оналик ва оолаликни мухофаза килиш мажмуаларининг ижтимоий-маънавий мухитни согломлаштириш. аёлларнинг ижтимоий мухофазасини янада кучайтиришга багишланган

йигилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шахри ва вилоятлар хокимлари уриноосарлари, хотин-қизлар қумиталари раислари, тегишли вазирликлар ва жамоат ташкилотлари рахбарлари иштирок этди. Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар

бошқарган ушбу йиғилишда хотин-қизлар қўмиталари жойларда ижтимоиймаънавий мухитни согломлаштириш, аёлларнинг ижтимоий мухофазасини янада кучайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирларни қандай бажараётганлиги хакидаги масала мухокама қилинди.

(¥3A)

### Мустақиллик таянчлари

<u> Узбекистон мустакилликни кўлга киритганидан сўнг ўтган 9 йил мо-</u> байнида мамлакатимиз ўз тараккиётида улкан натижаларга эришди. Рўй берган ўзгаришлар, эришилган натижалар ва энг асосийси, иктисодиётни ислох килишга нисбатан ёндашув мамлакат ичкарисида хам, унинг ташкарисида хам ўзининг муносиб бахосини олди. Иктисодий ислохотларнинг ўзбек модели самарадорлиги хакида бугун дадил гапи-

Утиш даври иктисодиётини бошдан кечираётган мамлакатларда иктисодий ислокотларни амалга оширишда валюта сиёсати мухим ўрин тутади. Айнан Узбекистоннинг валюта сиёсати халқаро экспертлар ва маслахатчиларнинг кизгин мунозараларига сабаб бўлди. Уларнинг асосий далиллари - бизнинг халкаро молия ташкилотлари турли мамлакатларда кўллашга харакат килиб курган анъанавий моделларга амал килмаганлигимиз эди. Жануби-Шаркий Осиё, Россияда юз берган ва кейинчалик эса жахон иктисодиётига сезиларли таъсир кўрсатган молиявий инкирозлар кўпчилик мутахассисларни ушбу моделларни турли мамлакатларда қўллашнинг қанчалик самарадор эканлигини янада синчиклаб кўриб чикишга мажбур этди. Бу эса ислохотларни амалга ошириш борасида Ўзбекистонда танланган йўлнинг тўгрилигини яна бир бор исботлади.

Мустакил валюта сиёсатини юритиш факатгина 1994 йилда, яъни миллий валюта муомалага киритилганидан сўнггина мумкин бўлди. Айни пайтда республика олдида иккита йўл мавжуд эди. Биринчиси - валюта режимини дархол эркинлаштириш ва валюта айирбошланишини жорий этиш, яъни барча иктисодий агентларга чет эл валютасини эркин сотиш ёки сотиб олиш имконини берувчи валюта режимини қабул килиш, иккинчиси эса, энг аввало, миллий валютанинг айирбошланишини жорий этиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш ва шундан кейингина валюта режи-

мини эркинлаштириш эди. Тўгри йўлни танлаш учун ўша пайтдаги мавжуд вазиятни холис бахолаш лозим эди. Бор-йўги ўн йил ортга кайтиб, шуни эслаш мумкинки, Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибида хомашё манбаи, нафакат бутун социалистик лагерь учун, балки бошка кўплаб мамлакатлар учун хам арзон пахта етказиб берувчи ўлкага айлантирилган эди.

Саноат хакида сўз юритадиган булсак, унинг асосини, яъни 80 фоизидан купрогини иккинчи жахон уруши йилларида Узбекистонга эвакуация қилинган ва кейинроқ асосан қишлоқ хужалиги махсулотлари ишлаб чикаришга мослаштирилган саноат ускуналари гашкил этарди. Буларнинг барчаси республика иктисодиётини хомашё нархининг ўзгариши ва четга чикарилаётган мах-сулотга талабнинг камайиши каби ташки омилларга боглик килиб кўяр эди.

Республика иктисодиёти арзон ярим фабрикатлар ва хомашёга бирламчи ишлов бериш махсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтирилгани холда, говарларга бўлган ўз эхтиёжини уларни четдан келтириш хисобига қоплар эди. Улкан табиий бойликлар хамда ўзини нефть ва бошка энергия манбалари билан таъминлащ имконига эга бўла туриб, Узбекистон хар йили салкам 10 млн. тонна нефть махсулотларини четдан келтирар эди. Энергия манбалари, машина ва ускуналар билан бир қаторда Узбекистон дон, гушт ва бошка мухим стратегик махсулотларни, шунингдек, катта хажмдаги халқ истеъмол молларини, шу жумладан, пахтани қайта ишлаш натижасида олинадиган махсулотларни хам четдан со-

Натижада республика иктисодиётида сезиларли номутаносибликлар кузатила бошланди. Бу эса ўз навбатида 1990 йилда республика савдо балансининг ялпи ички махсулотнинг 11 фоизи хажмида салбий колдикка эга булишига олиб келди. Республика ташки махсулот етказиб берувчиларга ан-

тиб олар эди.

чайин боглиқ эди, улар ўзларининг ушбу сохадаги яккахокимлигидан фойдаланган холда, нархларни жуда хам ошириб, шусиз хам огир бўлган иктисодий вазиятни янада қийинлаштирар

эдилар. Шундай қилиб, республикага жиддий микро ва макроиктисодий номутаносибликлар мерос бўлиб қолди, хомашё ресурсларини экспорт килиш эса эркин айирбошланадиган валюта манбаи хисобланарди. Бунда саноат махсулотлари, халк истеъмол моллари ва айрим

хомашё турларига бўлган эхтиёжнинг салкам 80 фоизи импорт оркали копланар эди. Бу эса экспорт қилинаётган арзон хомашё билан республикага импорт қилинаётган нисбатан киммат бўлган тайёр махсулот бахолари ўртасида номувофикликларни келтириб чикарди Пировардида Узбекистон

сиёсий мустакилликни кулга киритган булса-да, иктисодий жихатдан ўзининг собик Иттифокдаги илгариги шерикларига карамлигича колаверди. Шу муносабат билан биринчи навбатдаги вазифа иктисодий мустакилликка эришиш оркали республика мустакиллигини мустахкам-

ашдан иборат бўлди. Бундай шароитда миллий валютанинг эркин айирбошланишини жорий этиш факат мавжуд номутаносибликни кескинлаштириши, энг асосийси эса, республиканинг иктисодий қарамлигини кучайтириши мумкин эди Шошма-шошарлик билан амалга оширилган валюта бозорини эркинлаштириш келтириб чикариши мумкин булган айрим салбий окибат-

ларга тўхталиб ўтамиз. Биринчидан, Узбекистон четдан дон ва нефть каби

стратегик мухим товарларни сотиб олишни давом эттиргани холда, уларни етказиб берувчи мамлакатларга анча-

гина боглик бўлиб коларди. Иккинчидан, миллий валюга айирбошланувининг тартибга солинмаслиги арзон ва сифатсиз истеъмол товарларини назоратсиз равишда импорт қилиш учун кенг йўл очади. Бу эса мамлакат ичида бундай товарларни ишлаб чикариш хажмининг пасайишига, заводлар ва фабрикаларнинг тухтаб колишига ва ёпилишига, ялпи ички махсулотнинг камайишига, ишсиз-

Курилган чора-тадбирлар натижасида республикамиз галла ва нефть мустакиллигига эришди. 1999 йилда дон махсулотлари ишлаб чикариш 1994 йилга нисбатан деярли икки марта ошди. Айнан шу даврда нефть, газ ва кумир қазиб олиш йилига 5,7 млрд. сўмдан 190 млрд. сўмгача ортди. Бу эса хар йили бир неча юз миллион АКШ долларини тежаш имконини бермокда.

Бу ракамлар замирида чуқур мазмун мужассам: илгари республикада етиштирилган йиллик пахта хосилини сотиш-

махсулотлари бугунги кунда эхтиёжларимизни тўлик қондирмокда, бундан ташқари, уларнинг ортикчаси экспорт қилинмокда ва республикага реал валюта тушумини олиб

келмокда. Полиэтилен ишлаб чикаишга ихтисослаштирилган Шўртан газ-кимё мажмуи якин даврда Узбекистон саноатининг фахри бўлиши муқаррардир. У 2001 йилда ишга туширилади. Шунда унинг йиллик қуввати 125 минг тонна полиэтилен, 137 минг тонна суюлтирилган газ ва табиий газни қайта иш-

ликнинг ортишига ва ижтимоий тангликнинг кескинлашувига олиб келади. Айни пайтда чекланган валюта ресурслари амалда ўша истеъмол товарлари олиб келинаётган мамлакатлар ишлаб чикаришини кўллаб-кувватлаш ва иш ўринларини таъминлашга сарфланади. Агар истеъмол бозорининг чексизлигини хисобга оладиган булсак, айтиш мумкинки, бу холатда валюта ресурслари тезда тўгридан-тугри истеъмол максадлари учун сарф қилиб юборилади.

Иктисодиётнинг ушбу хусу-сиятларини хисобга олган холда, мамлакат валюта ресурсларидан фойдаланишнинг устувор йўналиши сифатида, энг аввало, улар хисобига бутун иктисодиёт тараккиёти учун пойдевор булиб хизмат килувчи ва импорт ўрнини босадиган махсулотпар хажмини оширувчи юкори технологияга асосланган ишлаб чикариш салохиятини шакллантириш йўли танланди. Биринчи навбатда, иктисодиётнинг базавий тармоклари (ёкилги-энергетика мажмуи, кимё саноати, машинасозлик), бутун саноат тармоклари ва кишлок хўжалигининг баркарор фаолиятини таъминловчи транспорт коммуникациялари мустахкамнефть махсулотларини сотиб олар эди. Эндиликда ушбу маблаглар замонавий технологиялар, машина ва ускуналарни импорт килиш учун сарфланмокда, уларнинг умумий импорт хажмидаги улуши бугунги кунда 45 фоизга етди. Айни пайтда машина ва уску налар импортининг 85-95 фоизи кучли илмий-техникавий салохиятга эга булган мамлакатлар хиссасига тўгри келди, бу хол республикамиз корхоналарини нафакат ички, балки ташки бозорда хам ракобатбардош булган махсулотлар ишлаб чикаришга кодир булган энг замонавий ускуналар билан жихозлаш имконини берди. Саноатда эса таркибий ислохотларни жадал суръатда бошлаш учун шароит яратди. Юзлаб янги корхоналар ишга туширилди. Ўзбекистон учун янги тармокларни ривожлантириш пойдевори яратилди.

дан тушган маблагнинг ярми-

дан кўпига факатгина дон ва

Алохида таъкидлаб ўтиш мумкин бўлган объектлардан бири — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводидир. Бу заводнинг умумий қиймати 500 млн. АКШ долларига тенг булиб, факатгина уни технологик жихозлашга 260 млн. АҚШ долларидан ортик маблаг сарфланди. Республика ичкарисида ишлаб чикарилаётган нефть лаш натижасида олинадиган бошка махсулотлардан иборат булади. Марказий Осиёда бу йирик мажмуа тўлик махаллий хомашё асосида ишлайди ва йилига 3 млн. тонна газни қайта ишлайди. Мазкур корхонадаги махсулот хажми, хар йили 50 минг тоннадан ортик полиэтилен ва 100 минг тоннадан зиёд суюлтирилган газни экспорт килиш, шунингдек, республикамизда янги саноат тармо**гига асос солиш имконини** 

**УНИНГ ТАРКИБИЙ** 

Сўнгги йилларда, шунинг-дек, Хазорасп шакар заводи, Кизилкум фосфорит комбинати, «Киметола» ишлаб чикариш бирлашмаси каби саноат объектлари ишга туширилди, Андижон, Янгийул ва (ўкондаги биокимё заводлари қайта таъмирланди Окори технологияга асосланган бу корхоналарнинг барчаси бугуннинг ўзидаёқ махсулот ишлаб чикармокдалар ички бозорни тулдирмокдалар, ташки бозорга йўл очмокдалар ва Узбекистоннинг минглаб ахолисини иш билан таъминламокдалар.

Мамлакат бойлигининг асосини, албатта, пахта ташкил этади. Илгариги пайтларда юкори хосил етиштириш республика учун бажарилиши шарт бўлган ягона вазифа эди, айни пайтда унинг

Якинда Ўзбекистон Бадиий академиясининг **Марказий кўргаз**малар залида Коракалпогистон замонавий тасвирий ва амалий санъа ти кургазмаси

очилди. Унда кардош ўлканинг иктидорли рассом, хайкалтарошлари томонидан ўта дид ва на-

зокат билан ишланган санъат асарлари хамда тўкимачилик, каштачилик намуналари намо-

давом этади. Унинг очилиш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Татлимурод Атамуратов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, рассом Жолабай Изентаевлар сўзга чикиб, ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг қон-қардошлиги, анъанаю урф-одатларининг бирбирига якинлиги хусусида илиқ гаплар айтишди.

Асарларни кўздан кечирар эк нсиз, муйкалам сохибларининг муъжизавий куч-кудратига тахсинлар ўкийсиз. Бир-бирига ўхшамаган ва ўта нафосат билан ишланган ранг-тасвирлардан муъжизалар оламига тушиб қолгандек бўласиз гўё. Бир қарашда хар хил бўёкларда зеб бериб ишланган тасвирлар оддий туюлса-да, бепарво ўтиб кетиш мумкин эмас. Жумладан, хайкалтарош Жолдас-бой Куттимуратовнинг «Сув ва дарёлар маъбудаси», «Ота-боболарим меросини севаман» асарларида бархаёт тарихимиз акс эттирилган бўлса, Ж.Изентаевнинг «Тонг», «Манзара; Куёшли кун», «Нукусда тонг», «Тўй», «Дарё», «Окшом», Б. Серекеевнинг «Оқшом» асарлари тинч, осуда хаётимизнинг сокин кеча ва кундузларини ёдга солади. Гуё бу санъат асарлари томошабинни тинчлик ва хурликни қадрлашга даъват этаётгандек.

Шунингдек, яна бошка истеълодли муйкалам сохибларининг асарлари хамда кургазма зали олдидаги майдонда курилган коракалпон миллий ўтовида намойиш килинган тўкимачилик ва каштачилик намуналари нозик дид ила яратилганки, уларнинг хар бири сизни ўзига ошно этади. Бир суратда Оролбўйи юртининг гўзал гушалари, жилвагар богларию оеадад даштлари куз олдингизда намоён бўлса, яна бир асар ғамгин хотиралар, ўтли ва армонли мухаббат ҳақида сўзлайди. Гўё ҳар бир сурату хайкалга хайрат яширингандай

Аслиддин САТТОРОВ, «Халк сўзи» мухбири.



Хўш, жойларда янги ўкув йи-

лига тайёргарлик қандай? Энг

улуг, энг азиз байрамимизни

катта шодиёна билан нишонла-

си хам бор, албатта.

Ташаббус сўнмасин, ташаб-

бус ўлмасин! Бухородаги илм-

маърифат жонкуярлари бу ибо-

ранинг нақадар ҳаётийлигини

амалда исботлашди. Таълим

сохасининг шароитларини хам-

жихатликда юксак даражага

кутариш борасидаги ташаббус

қанот ёзиб, вилоят хокимининг

махсус қарори қабул қилинди.

Унга кўра 2000 йилдан бошлаб

хар ойнинг учинчи душанбаси

«Мактаблар куни» деб белги-

ланди. Бундан кўзланган мақ-

лари, Вазирлар Махкамаси

қарорлари, «Таълим тўгриси-

сад Президентимиз Фармон-

**МАКТАБГА ТУШДИ** Биринчи сентябр хам эшик кокмокда. Бу куни Истиклолимизнинг туккиз йиллигини тантана киламиз. Эртасига эса мамлакатимизнинг бар-

ча мактаб, лицей ва коллеж, олий ўкув юртла-

ган ўкитувчию ўкувчилар ўша рида биринчи кўнгироклар чалиниб сабок бошюкори кайфиятга яраша шароит ланади. Биринчи дарс - МУСТАКИЛЛИК дарси. замонавий килиб кайта курилган ёхуд таъмирланган қулай ла»ги Конун хамда «Калолар тайсинф хоналари, дарслигу ўкув ёрлаш миллий дастури»нинг бакуролларига эга бўлишадими? жарилишини таъминлаш, мактаб-Бухоро вилоятида хизмат сафаларнинг моддий-техник базасирида бўлганимизда бу саволини мустахкамлаш, ўкувчиларнинг мизга каттаю кичик бир овозмаънавий дунёсини бойитиш ва дан «Ха», деб жавоб беришди. билим савиясини оширишга хар Бу қатьийликнинг тайинли асотомонлама амалий ёрдам кўрсатиш эди.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида мактабларга 291 936 минг, хусусан, 15 майдан 19 июнга қадар эса 61 186 минг сўмлик хомийлик ёрдами кўрсатилган. Бу сизнинг хаёлингизда кечаётган, хўш, мактаблар куни белгилангани билан бирон натижага эришилдими, деган саволингизга ракамлар куринишилаги оддий жа-

Энди буёгини эшитинг: 1999-2000 ўкув йилида кам таъминлаган оилалар фарзандларига дарслик ва кутубхоналарга бадиий адабиётлар (3 327 минг сўмга 170934 нусхада) сотиб олинди. Бунда Жондор туманидаги 17мактабга «Усто Шофиддин» фир-манидаги 17-мактабга «Бухоротранс» ташкилоти 115 минг сўм, Вобкент туман «Тайёрловсавдо» ташкилоти 80 минг сўм, «Когон пахта тозалаш» заводи 150 минг сўм микдорида хомийлик ёрдами курсатдилар.

ХОМИЙЛАР МЕХРИ...

Шу ўринда ўз-ўзидан яна бир табиий савол тугилади. Вилоятдаги корхона ва ташкилотлар, савобталаб тадбиркорлар қулларидан келган ёрдамни аямаётган экан, яхши шароитда тахсил олаёттан ёшларнинг бунга жавоби кандай?

Укувчиларнинг ўзлаштириш даражаси 1998-99 ўкув йилида 94,5 фоизни ташкил этган бўлса, 1999-2000 ўкув йилида бу кўрсатгич 97,2 фоизга етди. Фанлар бўйича ўтказиладиган «Олимпиада-2000»нинг республика бос-кичида тўккиз нафар бухоролик

ўкувчи голиб бўлди. З нафари эса математика фанидан жахон олимпиадасида хам муваффакиятли катнашди. Олот тумани даги спорт мактабининг 8-синф ўкувчиси Хикмат Куртовнинг кураш бўйича ўсмирлар ўртасида жахон чемпиони бўлгани хамма учун хам кувончли холдир.

Таъкидлаш жоизки, юкоридагидай хомийликлар кўмагида вилоятда дарслик таъминоти 79,8 фоиздан 87,7 фоизга олиб чикилди. Шунингдек, аълочи ўкувчиларга вилоят хокими стипендияси таъсис этилгани хам ўкувчиларни рухлантираётган омиллардан биридир.

Бухоро вилоятида жорий килинган бу тажриба, куриб турганингиздек, айримлар айтмокчи шунчаки бир кампаниябозлик эмас. Аксинча, хайрли мақсад йўлида чуқур тахлил. аник хисоб-китоблардан сўнг ўртага ташланган ажойиб ташаббусдир. Балки бухороликларнинг бу тажрибасини бутун республика микесида жорий этиш фойдадан холи бўлмас?

Озод БЕК, «Халқ сўзи» мухбири.

# STOMASERVICE

NAVITAMENT KNIOTOLOLOMOLD



**ЖОСМЕТИК ТЕРАПИЯ** 

• Оқ-полимер композит пломбалари

• Тишларни тиклаш **ЭНДОДОНТИЯ** 

Барча турдаги каналларни КОМПЬЮТЕР НАЗОРАТИДАН ФОЙДАЛАНГАН ХОЛДА ДАВОЛАШ

ТИШ ОРАЛАРИГА ЙИГИЛГАН **КАТЛАМЛАРНИ ОЛИБ ТОЗАЛАШ** ПАРАДОНТОЗНИ ДАВОЛАШ **ПРОТЕЗЛАШ** 

• Металл-керамика

• Бюгел протезлар Визопотими в при в п

Компьютер рентгенографияда малакали ва аник ташхислаш

**КАБУЛ** — ЯККА ТАРТИБДА

## STOMASERVICE - СИФАТ КАФОЛАТИ

Телефон орқали навбатга ёзилиш: Тошкент — 30-44-88, Самарқанд — 32-00-20

## УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШКИ ИКТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Узок муддатли муносабатларга умид боглаб ва банк хизматларининг нихоятда хилма-хил турларини, ишончли, тезкор, кулай хизматларни хамда энг фойдали фоиз ставкаларини таклиф килиб

## Банк ташкил этилганининг тўққиз йиллиги арафасида

киска муллатли омонатнинг «Паракциёт» деб ATAJIFAH SHIFIN TYPINHIN TAKJIMM STAJIN

Омонатга пул 2000 йилнинг 14 августидан 31 августига қадар 1 ой муддатга қабул қилиниб;

йилига 70 фоиз фойда тўланади.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки — пулларингиз даромадлилиги ва сақланишига кафолатдир.

Кушимча маълумот-

ларни Сиз (998 71) 137-62-83, 137-62-81 ракамли телефонлар орқали ёки

«Ўзмиллийбанк»нинг исталган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.

тогларининг энг юқори худудларида бўлиб, қиш бу ерларга эрта келади. Ўтган йиллар сабоқларидан келиб чиққан мутахассислар тажрибали ғаллакорлар билан маслахатлашиб, хўжаликларда амалий семинарлар ўтказишди ва ғалла экишни барвакт-бошлашкелишиб олишди. Хозир «Гулбулоқ», «Боғишамол», «Мустақиллик» ижара ширкат бирлашмаларида экиш қизғин паллага кирди. Дехконлар галлазорга етарли

Бахмал тумани

галлазорлари

Туркистон тизма

лиши режалаштирилган. Б. CATTOPOB, «Халқ сўзи»

мухбири.

микдорда махал-

лий ўгит хамда

аммофос солиш-

моқда. Бу йил ту-

манда кузги сув-

ли галла 4 минг

гектар ерга эки-

бошка жихатлари: кишлок мехнаткашлари саломатлиги ва ер холати, саноатни ривожлантириш ва бошка тармокларга эътибор берилмас эди. Узбекистон собик Иттифокдаги барча тукимачилик саноатини ва бошка мамлакатларни арзон хомашё билан таъминлагани холда, ўзи пахтадан олинган махсулотларни бошка мамлакатлардан сотиб олар эди.

Мустакиллик кўлга киритилгач, ушбу сохадаги номутаносибликларга бархам беган ва киймати ошган холда консерва ва ичимликлар куринишида бизнинг бозорга қай-

тарилар эди. Эндиликда янги корхоналарни яратиш ва кайта жихозлашда чет эл корхоналари хам фаол катнашмокдалар. Асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг ялпи ички махсулотга нисбатан даражаси ижобий томонга ўзгармок-1999 йил якунларига кўра, бу коэффициент 24,6 фоизга етди. Вахоланки, Россияда 14,7, Қозоғистонда 14,6, Қир-

ва газни қайта ишлаш тармоқлари, шунингдек, қора ва рангли металлургия корхоналаридаги асосий воситалар маънавий ва жисмоний эскиришининг юкори даражада эканлиги мутахассисларни ташвишга солмокда. Охирги 10-15 йил давомида бу тармоклар корхоналарини янгиланишга йўналтирилган капитал куйилмалар сезиларли равишда кискарди. Бу эса саноат махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг муайян даражада пасайишига олиб ке-

ойда 1 млрд. АКШ доллари мамлакатдан чикиб кетмокда. Бизнинг якин кушниларимиз - Киргизистон ва Козогистонда хам айнан шундай вазият кузатилмокда. Бундай шароитда давлат халқаро молиявий ташкилотлар ва хорижий тижорат банкларидан йирик микдорда карз олишга мажбур бўлмокла.

коплаш имконини беради (халкаро андозаларга кура, олтин-валюта захиралари 3 тенг булиши керак).

бўйича миллий валютани тўлик конвертацияланишига иктисодиёт ривожланишининг муайян босқичида эришилди. Кўпчилик мамлакатлар факат тегишли ислохотларни амалга ошириш ва иктисодиётнинг тулаконли тузилмавий асосларини вужудга келтирганларидан сўнггина валюта бозорларини эркинлаштирдилар ва Халкаро валюта фонди Битимининг 8-моддасини имзоладилар.

Руй берган молиявий инкирозлар ва ривожланаётган давлатлардаги иктисодий ислохотлар натижалари халқаро молия ташкилотларининг анъанавий нуқтаи назарларининг ўзгаришига таъсир қилмай қолмади Халкаро валюта фонди ва Жахон банки жадаллаштирилган эркинлаштиришга асосланган монетаризмга қатьий содиқликдан боскичма-боскич воз кечишдан иборат бўлган янги концепцияни эълон килди. ХВФ ва Жахон банки қарашларидаги бундай ўзгаришлар Узбекистонда бундан 9 йил олдин танланган иктисодий ислохотлар йўналишининг тўгрилигини яна

бир бор исботлайди. Узбекистонда якин йилларгача амал қилган валюта сиёсати иктисодиётни ислох килишнинг бошлангич боскичидаги вазифа ва максадларга тўлиқ мос келади. Бунда бозор ва унинг тузилмавий асослари эндигина шаклланган бўлиб, иктисодиётнинг аксарият тармоқлари тузилмавий ўзгаришлар жараёнини бошидан кечираётган эди. Экспорт асосини эса хомашё товарларининг санокли турлари ташкил этарди.

Ушбу сохада кўп ишлар килинди. Хукуматимиз ва Марказий банк томонидан валюта бозорини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш, шу жумладан, миллий валютамизнинг жорий халқаро операциялар бўйича айирбошланишига тайёргарлик кўришга йўналтирилган боскичма-боскич чоратадбирлар мажмуи ишлаб чи-

Ана шу чора-тадбирлар мажмуи доирасида жорий йил бошидан буён илгари Узбекистон Республикаси Валюта биржасида амалга оширилган сумларни чет эл валютасига айирбошлашга доир операцияларнинг анча кисми биржадан ташкари валюта бозорига ўтка-

2000 йилнинг 1 майидан бошлаб апрел ойининг охиригача амалда бўлган хамда турли валюта операцияларини амалга оширишда кулланилган расмий, биржа ва биржадан ташқари валюта айирбошлаш курслари бир хиллаштирилди.

Жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб ваколатли банкларга биржадан ташкари валюта бозорида хорижий валюта харид килиш ва сотиш курсларини талаб ва таклифлан келиб чиккан холда мустакил равишда белгилаш хукуки берилди. Марказий банк лицензиясига эга бўлган импортчиларга валюта сотиш ва экспортчиларнинг буш валюта маблагларини сотиб олиш хамда накд хорижий валюта билан айирбошлаш шохобчалари оркали ўтказиладиган операциялар талаб ва таклифдан келиб чиккан холда аникланган курс бўйича амалга оширилмокда.

Валюта бозорини эркинлаштириш жараёнлари изчил равишда чукурлаштирилиб борилади. Шу билан биргаликда, келгусидаги тараккиётимиз устуворликлари иктисодиётнинг юкори технологияларга асосланган базасини шакллантириш, экспортга йўналтирилган ишлаб чикаришни қуллаб-қувватлаш, базавий тармоклар, кундалик истеъмол молларини ишлаб чикарувчи корхоналарни ривожлантиришга қаратиш бұндан буён хам сакланиб қола

Валюта бозорини янада эркинлаштиришнинг асосий устуворликларидан бири, шак-шубхасиз, ахоли ва корхоналарни валюта курсининг ўзгариши натижасида юзага келадиган салбий окибатлардан химоялаш кафолатларини яратиш, курс барқарорлиги ва мамлакатнинг тулов кобилиятини таъминлаш учун зарур бўлган микдорда захиралар яратишдан иборат

Ш.ВАФОЕВ, **Ўзбекистон Республикаси** Марказий банки **хузуридаги Молия** содасини ривожлантириш агентлиги директори. к.толипов. З.ПАРПИЕВ

иктисодиёт магистрлари



#### риш учун барча чора-тадбирғизистонда 11,2, Тожикистонлиши мумкин. Россия Иктилар кўрилди: пахта экиладида 7,7, Грузияда 4,2 фоизни содиёт вазирлиги мутахассис-

ган майдонлар камайтирилди, айни пайтда пахта етиштиришнинг янги агротехник усуллари жорий этилди, пахтани қайта ишлаш, туқимачилик ва бошка турдош тармокларни ривожлантириш учун кенг кўламли инвестициялар ўзлаштирилди.

Киска вакт ичида Қашқадарё, Хоразм, Андижон, Тошкент. Наманган вилоятлари ва Тошкент шахрида, шунингдек, Коракалпогистонда замонавий тукимачилик ва тикувчилик комбинатлари ишга туширилди.

Узбекистоннинг қулай иклим шароитлари сабзавот, мева ва полиз экинларидан мўл хосил етиштириш имконини хам беради. Бирок илгари етиштирилган мева ва сабзавотларнинг 30-40 фоизидан ортиги қайта ишлаш техникасининг етишмаслиги, уларнинг техник ва технологик базаси эскирганлиги сабабли, корхонага етиб бормай, чириб кетар эди. Қайта ишланган кишлок хужалиги махсулотлари эса ахоли истеъмол талабларига жавоб бермаслиги туфайли факат хомашё окибатила Узбекистон экспорт килган, киймати паст бўлган томат пастаси, сабзавот ва мевалар харидор учун кулай тарзда кадокланташкил этди.

ИСЛОХОТЛАРДАГИ ЎРНИ

Хозирги вактда республикамизда машинасозлик, металга ишлов бериш, озик-овкат, енгил саноат, рангли металлургия каби тармокларда икки мингга якин кушма корхоналар фаолият кўрсатмокда. Сўнгги 4 иил мобайнида мазкур корхоналарнинг ишлаб чикариш хажми 6,4 марта ошиб, 1999 йил якунларига кўра, 266,6 млрд. сўмликка етди. Бу ялпи ички махсулотга нисбатан 13,0 фоизни ташкил этади. Жорий йилнинг 1-ярмида эса 14,8 фоиз ўсишига эришилди.

Қушма корхоналар томонидан экспорт қилинган махсулотларнинг миллий экспорт умумий хажмидаги улуши уларнинг самарадорлигини бахолашнинг мухим омили булиб хизмат қилади. 1996 йилдан бошлаб бу кўрсаткич 6,8 фоиз ошиб, 1999 йил якунларига кўра 11,5 фоизни, 2000 йилнинг 6 ойида эса 12,4 фоизни

ташкил килди. Айни вактда иктисодиётда тегишли тузилмавий ислохотларни амалга оширмаган холда, миллий валютани айирбошлашни жорий этган кўпгина мамлакатлар бундай қадамнинг салбий окибатларига дуч келмокдалар. Масалан, Россия саноатининг етакчи тармоклари, айникса, энергетика, нефть

ларининг фикрига кўра, Россия саноатини модернизация қилиш ва техник жихатдан кайта жихозлашни бошидан бошлашга тўгри келади, бунинг учун эса йирик капитал қуйилмалар талаб этилади. Тахминларга кўра, Россия саноати ва кишлок хужалигини тўлик тиклаш учун 20-25 йил ва 1,5-2 трлн. АКШ долларига якин маблаг керак булади.

Булардан ташкари, шуни хам тан олиш лозимки, МДХнинг деярли барча мамлакатларида валютани тартибга солишнинг самарали тизими мавжуд бўлмаган шароитда жорий халкаро операциялар билан боглик чекловларнинг шошма-шошарлик билан бекор килиниши капиталнин четга чикиб кетишига ва ташқи қарзларнинг ошишига олиб

Россия давлат органларининг энг хакконий бахоларига қарағанда, бу мамлакатдан олиб чикиб кетилган капиталнинг умумий микдори тахминан 130-140 млрд. АКШ долларини ташкил этмокда. Хатто 1999 йилда валютани олиб чиқиб кетиш бўйича бир қатор чекловларнинг жорий этилишига қарамай, мамлакатдан ноконуний равишда 15 млрд. АКШ доллари олиб чикиб кетилган. Бугунги кунда эса хар

Узбекистон собик Иттифок маконида янги асрга деярли ташқи қарзларсиз ўтган мамлакатлардан биридир. Истеьмол максадларига валюта ишлатилишини чекланган холда, Узбекистон базавий тармок-

ларни муайян равищда ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган махсулотлар хажмини ошириш, минглаб янги иш ўринларини яратишга муваффак бўлди. Бугуннинг ўзида мамлакатнинг олтин-валюта захиралари импортга бўлган 5-6 ойлик эхтиёжини

ойлик импорт эквивалентига Якин йиллар ичида Ўзбе-

кистон учун энг долзарб масала халқаро қарзларни тулаш учун маблаг қидириш эмас, балки мавжуд валюта ресурсларидан янада самарали фойдаланиш масаласи бўлиб колади. Юқоридагилардан келиб

чиққан қолда, шуни қайд этиш лозимки, республикамизнинг валюта сиёсати мамлакатимизнинг иктисодий мустакиллигини мустахкамлаш, унинг келажакдаги ривожланиши учун мустахкам асос яратишга йўналтирилган. Бошкача килиб айтганда, амалга оширилаётган валюта сиёсати мавжуд иктисодий вазиятга таянган холда хозирги кундаги аник вазифаларни хал этишга қаратилган булиб, ишлаб чикаришни технологик жиҳатдан такомиллаштириш ва қайта жихозлаш мақсади да истеъмол товарлари импортини вактинчалик чеклаб

туради. Импортни чегаралаш амалиёти факат Узбекистонда кўлланаяпти, деб ўйлаш хато булади. Аксарият мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмокдаки, жорий операциялар

# БАРХАЕТ КАДРИЯТ

йил республикамиз жамоатчилиги олимнинг туғилган кунига хижрий сана буйича 910 йил тулишини кенг нишонлайди.

**Б**урхониддин Маргиноний Ўрта Осиёда туғилиб, яшаб ижод қилган бўлса-да, Ханафия мактабига мансуб барча мусулмонлар хукукшунослигининг ривожланишига улкан хисса қўшган. У кишининг ижодига мансуб ўнлаб асарлар мавжуд бўлиб. айникса, ўша даврдаги олимлар ва бугунги кундаги тарихчилар, тадқиқотчилар орасида кенг шархланиб, танилгани «Ал Хидоя фи-л фуруъ» -Хукук тармоклари хақидаги қўлланма ёки оддийгина «Ал Хидоя» -«Қўлланма» номли мусулмон хукукшунослигига доир комусий асардир. У Самарқандда Корахонийлардан Иброхим ибн Хусайннинг хонлик даврида ёзиб тугалланган. Хеч бўрттирмасдан шуни таъкидлаш лозимки, у ёки бу даражада мусулмон хукукини ўрганишга харакат қилган ватандошларимизгина эмас, собик шўролар давлатининг хукук тарихи ва назарияси олимлари, тарихчилари хам ушбу манба асосида Ханафия хукук мактабининг асосий таълимотларини ўргандилар. Шўролар даврида мусулмон хукуки масалаларини кенг ва атрофлича ўрганиш, рагбатлантириш нари турсин, унинг

айникса, миллий республикалардаги олимлар томонидан ўрганилишига имкон берилмасди. Шунинг учун хам «Ўрта Осиё халқларининг хукук манбалари «Куръон» ва унга берилган шархлару, «Хидоя»дангина иборат» (С.В.

Юшков) деган камситувчи фикрлар мавжуд эди. Ана шундай бир даврда ушбу мавзуга машхур олима Х. Сулаймонова кўл уриб, мусулмон

хукукида жиноят ва жазо, судловни амалга ошириш масалаларини ёритишда «Ал-Хидоя» китобининг тегишли жилд ва китобларидан кенг фойдаланди.

Узок йиллардан бери хукук тарихидан илмий тадкикот олиб бориб, дарс бериб келаётган доцент У. Ахмаджонов ўзининг «Мусулмон хукукида мулк институти» мавзуидаги илмий тадқиқотида «Ал-Хидоя»нинг рус тилига қилинган таржимасининг мукаммал эмаслигини исботлаб, унинг араб тилидаги асл нусхаларидан фойдаланиб, мулк хукуки масалаларини ёритиб берди

Шуни таъкидлаш лозимки, «Хидоя» каби биринчи манбалар асосида мусулмон хукукини ўрганиш учун хакикий имконият Узбекистон мустақилликка эришгачгина яратиб берилди.

Жумладан, халқимизнинг бой хукукий мероси ва унинг маънавий кадриятларимизда тутган ўрнига багишлан-

ган катор ишлар нашр эттирилди. Бу ишларнинг энг хайрлиси 1893 йили Тошкентда рус тилида 400 нусхада нашр этилган ва эндиликда библиогра-

фик камёб китобга айланиб қолган «Ал-Хидоя» асарининг биринчи жилдини «Мусулмон дунёсининг мухим ёдгорлиги» номли сўзбоши билан қайта нашр этилиши бўлди, десак муболаға бўлмайди. Ушбу сўзбошида алломанинг Ханафия таълимотини ривожлантиришга қўшган катта хиссаси очиб берилди.

1997 йилнинг сентябрида Маргилон шахрида Имом Бурхониддин Маргиноний вафотига 800 йил тўлиши муносабати билан «Бурхониддин Маргиноний илмий меросининг маънавиятимиздаги ўрни ва

ахамияти» мавзуида илмий-назарий анжуман ўтказилди. Республика Вазирлар Махкамасининг 19 январ 2000 йилдаги «Бурхониддин Ал-Маргиноний таваллудининг хижрий сана бўйича 910 йиллигини нишонлаш хакида»ги қарори аллома ижодини илмий жихатдан ўрганишда катта ахамият касб этиб, хукук тарихи фанининг ривожланишига мухим хисса бўлиб қўшилади. Маълумки, хар қандай олимни эъзозлаш, уни хурматлаш, хотирасини ёд айлаш, ижодига хакконий бахо бериш асарларини қайта нашр этишдан иборатдир. Ана шу мухим саналар ва анжуманлар муносабати билан айрим ишлар амалга оширилса нур устига аъло нур бўлур эди. Биринчи жилди қайта нашр\*этилган «Хидоя» асарининг қолган уч жилди хам нашр этилса. Зеро, шаркшунос олим О. Қориев ушбу асарни ўзбек тилига ўгираётган тугалланиб, изохлар билан нашр этилса, ўзбек китобхонларига яхши тухфа бўларди. Ал-Маргиноний Маргиноний факехлар силсиласида энг биринчисидир. Чунки адабиётларний, Абу ар Рахим бин

эди. Уни таржима қилиш Қолаверса, Бурхониддин да Баховуддин Маргино-Имомуддин Ал-Маргиноний каби ва бошка факехлар тўгрисида маълумотлар учрайди. Шарқшунос олимларимиз улар ижоди ва фаолиятини ўрганиб, ойдинлик киритиб, илмий ишлар яратсалар диний ва хукукий билимлар ривожига мухим хисса қушган булардилар.

> 3. МУКИМОВ, СамДУ профессори.

### тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини MEXAHI/SAUI/SIJAUI WHIXEHEPJJAPW WHOTWIYTM

қуйидаги кафедралар буйича буш (вакант) кафедра мудирлари лавозимларига танлов

#### эълон килади:

Назарий механика

Трактор ва автомобиллар

Кишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни автоматлаштириш

Кишлоқ хўжалиги машиналари

Янги демократик жамият қуриш Амалий механика

Чизма геометрия ва инженерлик графикаси

Кафедра мудирлари лавозимларига танловда фан докторлари профессорлар, фан номзодлари, доцентлар иштирок этишлари мумкин.

> Танловга аризалар қабул қилиш муддати эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.

Патосда қатағашаны қозғосғанар Тошканы шақар, Қари-Инфий құчасы 39-уй. ТИКХУИИИ кадрлар бўлимига мурожаат килиплари мумкин

**ТЕЛЕФОН:** 137-19-49

**PEKTOPAT** 

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНИКА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар хокимликлари, вазирликлар, идоралар, концерн, ассоциациялар ва ишлаб чикариш бирлашмалари томонидан такдим этилган, республика минтакаларини иктисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг долзарб масалалари ва халк хужалиги тармокларининг илмий-техник муаммоларини хал этишга йўналтирилган

## NAMMULTEXHINKA YOUNXAYADA

#### танловини эълон килади

Танловга такдим этилаётган лойихалар рўйхатда келтирилган муаммолардан муайян бирини ҳал қилишга йўналтирилган ва кўпи билан 2 йилда натижа олиниши кўзда тутилган бўлиши лозим

Папложа қуйштан муаммолар руйхатц, уши ўткавиц, аризалар бериш ва расмийлаштиришнинг асосий қондалари билан Узбекистоп Республикаси ФЕДК до тапишии мумкинь

Танловда иштирок этиш учун аризалар ЎзР ФТДКда 2000 йилнинг 21 августидан 1 октябрига қадар, шанба ва якшанба кунларидан ташқари ҳар куни соат 14.00 дан 18.00 гача ёки почта жўнатмаси билан (700017, Тошкент ш., Х. Сулаймонова к., 29-уй) қабул қилинади. Маълумотлар учун телефонлар: 139-18-20, 139-18-56

Фаргона вилояти хокимлигида чет элларда ўкиб келган 26 нафар ёшларни шарафлаш маросими бўлиб ўтди. Вилоят эртамиз эгаларини юртга қайтганликлари билан

табриклар экан, юксак билим ва салохият билан ажралиб турган, дунё кўрган ёшлар янгиланаётган жамиятимиз учун жуда зарурлитурли сохаларида хорижда олган билим ва тажрибала-

Mydpamuu mamkusomsap dukkamueal

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КАПИТАЛ КУРИЛИШИДА

ПУДРАТ САВДОСИНИ (ТЕНДЕРНИ) ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ

2000 йилда реконструкция ва қурилиши режалаштирилган

куйидаги объектларнинг пудрат савдосини (тендерни) ўтказади:

Вилоят хокимлигининг Капилал курилиш бошкармаси томониданз

мактаби»нинг реконструкцияси, 400 ўринли ётокхонаси билан;

коллежи»нинг реконструкцияси, 200 ўринли ётокхонаси билан;

Қизилтепа туманидаги **750 ўкувчига** мўлжалланган «Бизнес

Хатирчи тумани А. Ярлакабов ж/х худудидаги 450 ўкувчига

Зарафшон шахрида 600 ўкувчига мўлжалланган «Тиббиёт

Кизилтепа тумани, Суфиён кишлогида Касб-хунар коллежи

Томди туман марказида Касб-хунар коллежи реконструкцияси.

ва Навоий вилояти Академик лицейлар куриш дирекцияси томонидан

Кушимна манлумотлар учун бизнинг манзилимизв Навохи пъ в Айний кучасть Съ Вилозт капилал курилишида

пудрат савдосини (тендерни) ташкил этиш маркази. Тел: 225-53-85 (код 436)

Навоий шахрида 750 ўринга мулжалланган Академик лицейнинг

мўлжалланган «Бизнес мактаби» нинг реконструкцияси,

Нурота шахрида Касб-хунар коллежи реконструкцияси;

Нурота шахрида Касб-хунар коллежи қурилиши;

қурилиши, 400 ўринли ётоқхонаси билан.

300 ўринли ётокхонаси билан;

TM -

рини кенг қўллашларини алохида таъкидлади.

«Умид»чилар номидан сўзга чиккан Адхам Хонкелдиев, Фахриддин Насриддиновлар ўзларига яратиб беришган имкониятлар учун Юртбошимизга миннатдорчилик билдирдилар

Ўз мухбиримиз.

### ПОР

25-27 август кунлари Нукус шахрида мамлакати-миз мустакиллигининг 9 йиллигига бағишлаб «Ту-рон» яққа кураши бүйича халкаро мусобака ўткази-лади. Узбекистон, Козогистон, Туркманистон, Рос-сия спортчилари голиблик учун беллашадилар. Бел-лашув турли вазн тоифали эркаклар ва аёллар ўрта-

Узбек курашидан сўнг халкаро майдонга дадил кадам ташлаётган яна бир миллий якка курашимиз «Турон» номини олди. Қадим-қадим замонларда аждодларимиз мамлакатимиз худудига бостириб кирган боскинчиларнинг тўдаларига ўзига хос харакатлар билан қаршилик курсатишган. Саркарда Амир Темурнинг жанговар химоя ва дадил каршилик усулларидан бохабар 18 нафар йигитлари 300 кишилик қуршовни ёриб ўтади. Бу тезкорлик, зудлик билан вазиятни бахолаш, бир зумда нишонга уриш, оёкнинг кутилмаган зарбалари, бақувват, чайир қўлларнинг мустахкам кураши мужассамлашган «Турон» миллий якка кураши-

Биз яна бир ўзбек спорти халқаро майдонга чиқиб келаётгани билан халкимизни

Тўлкин ЁРКУЛОВ.

## ТАРАДДУЛ

Андижон. Алишер Навоий номидаги маданият ва истирохат богида беш минг томошабинга мулжалланган очик амфитеатр курилиши жадал олиб борилмокда. Бу жойда хатто халкаро кўрик-танловлар. машхур санъат юлдузларининг концертларини хам ташкил этиш имконияти бўлади. Мазкур объект мустакиллик байрами арафасида фойдаланишта топши-

> О. ШОДМОНАЛИЕВ. «Халқ сўзи» мухбири.

### **ДИККАТ** — ЯНГИЛИК!


MYJJOSYMJAPJA KYJAŽUKK SPAJKIU YYKI 2000 ÜKJIKK GETJSP OŬKŲAK SEJISOPAK AMANDATA OĞULIK ÜĞU YALUANAPA EKINAL EKIPTA SIHTU TXPQATA OĞULIK ÖĞU YALUANAPA XXOPKÜ ƏTKIDA TXP

AVM -ТРАНСПОРТНИНГ 2 ТУРИДАН (АВТОБУС, МЕТРО) АХОЛИНИНГ ФОЙДАЛАНИШИ УЧУН.

НАРХИ 4000 СЎМ, ФАКАТ НАКД ПУЛГА СОТИЛАДИ. NM . ТРАНСПОРТНИНГ 4 ТУРИДАН (АВТОБУС, ТРАМВАЙ, ТРОЛЛЕЙБУС, МЕТРО) НАФАКАДОРЛАР ВА НОГИРОНЛАРНИНГ ФОЙДАЛАНИШИ УЧУН.

НАРХИ 2350 СЎМ, ФАКАТ НАКД ПУЛГА СОТИЛАДИ. ТРАНСПОРТНИНГ 4 ТУРИДАН (АВТОБУС, ТРАМВАЙ, ТРОЛЛЕЙБУС, МЕТРО) ОЛИЙ ЎКУВ ЮРТЛАРИ ВА ТЕХНИКУМЛАРНИНГ (КУНДУЗГИ БЎЛИМ) ТАЛАБАЛАРИ ФОЙДАЛАНИШИ УЧУН.

НАРХИ 1650 СЎМ, ФАКАТ НАКД ПУЛГА СОТИЛАДИ. O'M ТРАНСПОРТНИНГ 4 ТУРИДАН (АВТОБУС, ТРАМВАЙ, ТРОЛЛЕЙБУС, МЕТРО) ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ФОЙДАЛАНИШИ УЧУН. НАРХИ 1350 СЎМ, ФАКАТ НАКД ПУЛГА СОТИЛАДИ.



АВИВ ЙУЛОВЧИЛАР!

Ойлик йўл чипталарини фақат «Иўловчитранссервис»нинг дукончаларидан сотиб олинг! Агар йўловчининг ойлик йўл чиптаси қалбаки эканлиги маълум бўлса, чипта тортиб олинади.

«Пошшахариўловчитранс» Давлат уюшмаси.

## Табиат бойлиги

Таркибида женьшень ва табиий мультивитаминлар комплекси бор.



Харидо учун бахос 861 cym.

алкимиз соблиби.



Харидорлар учун бахоси — 225 сум.

## Табиат бойлиги

Иштахани очади Жигарии спиртли ва ўснига ёрдам ичимликлар таъсиберади. ридан саклайди. Юкумли гепатит Умумий ва пиррозии холатии даволашда яхшилайди кулланилади. Харидорл учун бахосй халкимиз соглиги. 487 cym.

Узбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Олий ўжалик судининг бошқарма бошлиғи Вали Қосимовга укаси Абдувохид КОСИМОВнин вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия изхор этади.

Узбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Касаба уюшнаси бирлаштан қумитаси Узбекистон Республикаси Фанлар кадемияси фахрий академиги

Зайнутдин Хожа ФАХРУТДИН ўглининг вафот этганлиги муносабати билан мархумнинг оила аъзолаига чуқур таъзия изхор этадилар.

Узбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоси ишлар бошкармаси, биринчи тоифали машинисткаси Эль ира Алиевага падари бузруквори Исмаил АЛИЕВнинг

вафот этганли муносабати билан чукур таъзия изхор этади.

«Ёгмойтамакисаноат» уюшмаси рахбарияти «Урганч ёг» хис адорлик жамияти раиси Баходир Бобожоновга онаси Екутжон САМАНДАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

«Олмос» очиқ акциядорлар жамияти жамоаси жамият тизимидаги 21-сон дукон мудираси Мухаббат Амиловага фарзанди Дилдора АМИЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

## «XAAK CЎ3N» «НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

> Бош мухаррир: Аббосхон **УСМОНОВ**

### Тахрир хайъати:

э. БОЛИЕВ (масъул котиб -«Халқ сўзи»), м. ЕГОРОВ (масъул котиб -«Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош мухаррир ўринбосари - «Халқ сўзи»),

с. зинин, м. миралимов, с. мухиддинов, Ш. РИЗАЕВ,

М. САФАРОВ, Р. ФАРХОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ,

и. шоғуломов, О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош мухаррир ўринбосари - «Народное слово»),

## ў. хошимов.

БЎЛИМЛАР:

133-57-34; Xy K y K -

136-07-94; Иктисодиёт 136-36-65; 132-10-65

136-35-60; Хатлар -136-29-89

133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва

ижтимоий масалалар 132-12-08;

Ахборот, спорт ва харбийватанпарварлик

133-78-92; Халкаро хаёт

132-11-15; Котибият

133-10-28; Эълонлар –

136-09-25.

#### Рўйхатдан ўтиш тартиби Nº 00001

Буюртма  $\Gamma - 716$ , 18918 нусхада босилди, хажми - 2 табок. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2

Газета PENTIUM-II mm компьютерида терилди хамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОГАЕВ томонидан сахифаланди.

Навбатчи котиб -А. ОРИПОВ. Навбатчи мухаррир Г. ЙУЛДОШЕВА. Навбатчи ОСТОНАКУЛОВ. Мусаххих

О. АБДУАЗИМОВ.

манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шахри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда хажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарк» нашриётматбаа концерни

босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.40